



АДАБИЁТШУНОСЛИКДА БАДИЙ ПСИХОЛОГИЗМЛАРНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

Ражабов Ахтам Уктаомович

*Мустақил тадқиқотчи,
Бухоро табиий ресурсларни
бошқариши институти
rajabovaxtam178@gmail.com*

Аннотация: Мақолада ўзбек аадабиётшунослигида психологик тасвирнинг пайдо бўлиши, психологизм принциплари, психологизмнинг адабиётшуносликда тушунча ва категориялари, психологик таҳлилар, психологик мактабнинг вужудга келиши, психологик бадиий тасвирлар муҳокама ва таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: аадабиётшунослик, психологизм, бадиий тасвир, тушунча, принцип, таҳлил, характер.

Ўзбек адабиётшунослиги илмий давраларида руҳият ва психологизм билан боғлиқ тушунчалар XX асрнинг ўрталаридан бошлаб эътироф этила бошлаган бўлса-да, шахс руҳияти таҳлили ва талқини Шарқ мумтоз адабиётида ва унинг вакиллари ижодида ҳам етакчи ўринларни эгаллаган. Биргина ўзбек адабиётининг ўзида Алишер Навоий томонидан лирик асарларда, эпик достонларда инсон руҳиятининг қат-қат сирлари очилгани, Шарқ адабиётининг буюк мутафаккири томонидан бадиий психологизмнинг турли хил восита ва усуслари қўллангани ҳам ҳақиқат.¹ Бироқ, айрим адабиётшунос олимларнинг фикрларига кўра, адабиётшуносликда бадиий психологизм масаласи ҳали-хануз тўлиқ назарий асослаб берилмаган ва "адабиётшунослик илмида семантик жиҳатдан етарли даражада аниқ эмас".²

Адабиётшуносликка доир илмий манбаларда бадиий психологизмларнинг учта асосий принциплари - аналитик принцип, типологик принцип ва динамик принцип ажратиб кўрсатилади. Динамик принципда қаҳрамон руҳияти унинг хатти-харакатлари, қилиқ ва мимикалари, турли ҳаётий вазиятларга қараб ўзини тутиши ва гап-сўзлари орқали ифода этиб берилади. "Моҳиятан бу драматик асар персонажлари руҳиятини очиш усулига ўхшашдир. Шу боисдан динамик принцип баъзан психологик таҳлилнинг драматургик усули деб таърифланади. Типологик принципда образнинг руҳияти уни шакллантирган ва қуршаб олган муҳит шарт-шароитлари билан боғлаган ҳолда тасвирлаб берилади. Аналитик принципда эса қаҳрамон қалбидаги ҳис-туйғулари, ўй-фикрлари динамикаси, ички кечинмалари, тафаккур ва мулоҳазаси

¹ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. - Т.: Фан. 1983; яна: "Хамса"да бадиий психологизм типлари // Алишер Навоий "Хамса"си (тадқиқотлар). - Т.: Фан. Машрабова Г. Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонида руҳият тасвири // Навоийга армугон. - Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2003.

² Золотухина, О. Б. Психологизм в литературе : пособие по спецкурсу для студ. спец. —Гродно : ГрГУ, 2009.



тасвирланади. "Бунда бир ҳисдан бошқа ҳис, бир ўйдан бошқа фикр ўсиб чиқади, улар бир-бирини тўлдиради, сифат жиҳатидан ўзгартирали".³ Бу шакл персонажлар тақдирни ва тафаккурида кескин бурилишларни кўрсатиб беришга имкон беради. Шу сабабли ҳам буни айрим тадқиқотчилар "қалб диалектикаси" шакли деб ҳам атайдилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, муаллиф бадиий образ характери ва унинг руҳиятини батафсил очиб беришда юқорида зикр этилган учала шакллардан биргалиқда, бир-бирини бутқул тўлдирган ҳолда фойдаланиши мумкин. Бу кабиларда принциплардан бири фаол ва етакчи бўлса, қолган иккитаси эса уни тўлдириш учун хизмат қиласи. Умуман олганда шуни таъкидлаш лозимки, бадиий психологизмга оид тадқиқотларнинг аксариятида "харәктер" тушунчаси етакчи ўринни эгаллайди. Сабаби, бу йўналишдаги тадқиқотлар адабиётшунослик илмига оид бўлса-да, бир томондан руҳиятшунослик илми билан ҳам бевосита боғлиқдир. Мазкур икки соҳа кесишмасига асосланади. Бу эса ўз навбатида "харәктер" тушунчасини ҳам адабиётшунослик, ҳам руҳиятшунослик нуқтаи назаридан аниқлаштириб олишни тақазо этади.

Психологизмнинг адабиётшунослик тушунча ва категориялари тизимидағи ўрнини аниқлар эканмиз, авваламбор, психологизмнинг персонажлар ички оламини тасвирлаш эканлигини, ўз навбатида, персонажлар образларини адабиётшуносликда бадиий шаклнинг предметли тасвирийлик⁴ ёки А.Б.Есин айтганидек, тасвирланган олам жиҳатига тегишли деб ҳисоблаш қабул қилинганлигини тан олишимиз лозим. Шу маънода, психологизм бадиий шаклнинг алоҳида сифати эканлиги билан ифодаланади. Шунинг билан бирга айрим асарларда яъни психологик романларда психологизм услубий доминанта бўлиши мумкин.⁵ Бундай ҳолатда нафақат персонажлар образлари, балки бадиий шаклнинг бошқа барча унсурлари яъни тасвирланган олам, бадиий нутқ, композиция эстетик бирлик – услубни ташкил этганлари ҳолда психологизмга бўйсунадилар.⁶ Шу тариқа, психологизм бадиий системаси қайсики асарларда у услубий доминанта бўлса, бадиий шакл учала жиҳатларининг барчасини қамраб олиши ва турли-туман бадиий воситалар-у усууллар билан тақдим этилиши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, бадиий

³ Адабиётшунослик луғати. Д.Куронов ва б. Т.: Академнашр, 2013.

⁴ Введение в литературоведение: учеб. для филол. спец. ун-тов; под редакцией Г. Н. Поспелова. – М.: Высшая школа, 1988. – С. 181.

31 Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения: учебное пособие. – М: Флинта, 2003. – С. 86.

⁵ Тасвирланган олам соҳасида А. Б. Есин бўлиши мумкин бўлган учта услубий доминантани ажратиб кўрсатади: қайси асарларда бу психологизм, яна қайси бирида – сюжетлилик, қайсирид бирида – баёнчилик [5, 179].

⁶ Шу муносабат билан А. Б. Есин психологизмни “услубий бирлик (яхлитлик)” деб таърифлайди. Қаранг: Есин А. Б. Психологизм // Русская словесность. – 1966. - №1. – С. 73.



шаклнинг алоҳида сифати бўлса-да, “психологизм бадиий асар мазмунидан айро эмас”.⁷ Г.Н.Поспелов таъкидлаганидек, “бадиий асар шакли ва мазмуни қарама-қаршиликлар бирлигидан иборатки, айни пайтда, бу яхлитликда шаклга сингиб кетиб, уни жонлантирувчи мазмун ҳал қилувчи аҳамият касб этади”.⁸

Психологизм батафсил ва теран психологик тасвирдан бошқа нарса эмас экан. Модомики, айрим тадқиқотчилар томонидан ишлатиладиган “психологик тасвир” бирикмаси “психологизм” термини билан синонимдир. Тадқиқот ишида психологик таҳлилнинг жаҳон бадиий тафаккури тарихидаги ўзига хос ҳодиса экани руҳий таҳлил воситаларининг таснифи асосида исботланган. Шунга кўра, биринчи бобнинг учинчи фасли “Руҳий таҳлил тамойил ва усувлари, психологик тасвир воситалари” тадқиқига йўналтирилди. Адабиётшунослар руҳий таҳлилнинг асосий шаклларини иккига ажратишни таклиф қилишади: “ботиний” (тўғридан-тўғри шакли) ва “зоҳирий” (бавосита, сиртдан) шакллар. Л.Я.Гинзбургнинг таърифлашича, “Руҳий таҳлил муаллиф мулоҳазаларининг бевосита шакли ёки қаҳрамонларнинг ўзини ўзи таҳлил қилиши шаклида амалга оширилади. Ёинки билвосита – уларнинг маънодор хатти-харакатлари, имо-ишораларини муаллиф томонидан тайёрлаб борилган китобхон таҳлилий талқин қиласи”.⁹ И.В.Страхов руҳий таҳлил шаклларини характерларни “ботинан” тасвирлаш яъни “ички нутқ, хотираидаги образ ва тасаввурлар кўмагида юзага чиқадиган ҳаракатдаги шахслар ички оламини англаш орқали” ва “зоҳиран” тасвирлашга яъниким, “ёзувчи томонидан нутқ, нутқий ва мимик ўзини тутишнинг ифодали ўзига хослиги – ичкининг ташқида ифодаланишини талқин қилиш орқали” ажратади.¹⁰ Умуман олганда, И.В.Страхов фикрларига қўшилар экан, А.Б.Есин уни “умумлашма - белгиловчи” (“суммарнообозначающий”) деб аталувчи учинчи шакл: “китобхонга персонаж ўй ва ҳислари ҳақида ички оламда кечаётган талотумларни айтиб ўтиш, қисқача изоҳлаш” билан тўлдиришни таклиф этади.¹¹

Кўринадики, руҳий таҳлил шаклларини ажратишда маконга оид белгилардан фойдаланиш (ички-ташқи) ҳикоя қилиш босқичларининг, субъект ва объект муносабатларининг қоришиб кетиши билан боғлиқ чалкашликни келтириб чиқаради. В.Гудонене бошқа қатор тадқиқотчилар сингари

⁷ Иезуитов А. Н. Проблемы психологизма в эстетике и литературе. // Проблемы психологизма в советской литературе. – Л.: 1970. – С. 52.

⁸ Введение в литературоведение: учеб. для филол. спец. ун-тов; под редакцией Г. Н. Поспелова. – М.: Высшая школа, 1988. – С. 429-430.

⁹ Гинзбург Л.Я. Кўрсатилган асар. - Б. 347.

¹⁰ Страхов И.В. Психологический анализ в литературном творчестве: пособие для студ. /В 5 ч. – Саратов: Изд. Саратовского ун-та, 1973. Ч.1. – С. 4.

¹¹ Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы: Кн. для учителя. – М.: Просвещение, 1988. – С. 13.



(И.В.Страхов, А.Б.Есин), психологик тасвир усулларини XIX аср адабиёти сарҳадларига мослаб таснифлайди. “Рұхий таҳлил шакллари” деган түшунчанинг ўзи мажбуран психологизмни реалистик модификацияда (характерни түшунтириш) таҳлил қилишга йўналтиради. Умуман, таклиф қилинган таснифотлар адабий реалликни тўлақонли акс эттира олмайди. О.Н.Оスマловскийнинг XX аср адабиётининг лирик, драматик, эпик кўринишларини ҳисобга олиб айтган “психологик метод (манера)” ҳақидаги гаплари бежиз эмас. Психологик матннинг анъанавий усуллари илмий тадқиқотларда, бадий асарлардаги рұхий таҳлил бўйича яратилган ўкув қўлланмаларида етарлича тўлиқ ва кенг ёритилган.¹² Айниқса, психологик деталлаштириш, портретлаштириш усуллари, ҳикоя қилиш шакллари (персонаж ички ва ташқи нутқи, диалог, муаллиф шарҳи кабилар) энг қўп ишланган. Бизнинг кунларга келиб рұхий тасвиirlарнинг аввалги асрлар адабиёти томонидан қўлга киритилган усул ва йўсингларидан кенг фойдаланилмоқда. Аммо улар орасида композицион-ҳикоя қилиш (“нуқтаи назар” ва ҳикоя субъектининг ўзгариши билан боғлиқ) усули етакчилик қила бошламоқда.

Психологик таҳлилни характерларни тасвиirlашнинг ички (ички монолог, хотира, ассоциациялар ва тасаввур образлари) ва ташқи яъни муаллиф нутқи, мимика ва психикага доир бошқа ташқи кўриниш ҳолатларининг ҳиссий ўзига хослигини намоён қилиш, формаларига ажратиш мумкин. Умумий айтганда, ёзувчи ҳисларининг объектив кечиши жараёнига халақит бермасдан, қаҳрамон ички дунёсида кечаётган тебранишларни ифодалайди. Рұхий таҳлил моҳият эътибори билан комплекс характерга эга бўлиб, ундан ёзувчилар қаҳрамон руҳиятини очиш учун фойдаланишлари, талқинчилар (синчи, тадқиқотчи) эса бадий асарни текширишда рұхий таҳлил (психоанализ) методини қўллашлари мумкин.

Шу маънода, психологизм бадий шаклнинг алоҳида сифатидир. Шунинг билан бирга айрим асарларда (психологик романларда) психологизм услубий жиҳатдан доминант бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда нафақат персонажлар образлари, балки бадий шаклнинг бошқа барча унсурлари яъни тасвиirlangan олам, бадий нутқ, композиция эстетик бирлик – услубни ташкил этганлари ҳолда психологизмга бўйсунадилар.¹³ Шу тариқа, психологизм бадий системаси қайсики асарларда у услубий доминанта бўлса, бадий шакл бу уч

¹² Психологический анализ в литературном произведении: Метод, материалы для студ.: В 2 ч. – Минск: Минск, гос. пед. ин-т им. А.М.Горького, 1991; Страхов И.В. Психологический анализ в литературном творчестве: пособ. для студ. / В 5 ч. / – Саратов: Изд. Сарат. ун-та, 1973-1976.

¹³ Шу муносабат билан А.Б.Есин психологизмни “услубий бирлик (яхлитлик)” деб таърифлайди.



жиҳатнинг барчасини қамраб олиши ва турли-туман бадий воситалар-у усууллар билан тақдим этилиши мумкин экан.

Замонавий филология илми эмоционал-ҳиссий мазмуннинг яъни психологизмнинг бадий асар структурасидаги ролига катта эътибор қаратмоқда. Тадқиқотчилар ва олимлар томонидан таъкидланганидек, бадий матнда сўзловчининг нутқи мавжуд бўлган тил нормалариға мувофиқ оддийгина тарзда берилмайди, балки бадий ҳолатда тасвирланади ҳам. Айни пайтда тасвир ва қоидага қўра, нутқнинг нафақат вербал моддийлик ҳолатини, балки у билан бевосита боғланган паралингвистик омилларни яъни имо-ишора, мимика ва уларнинг кўрсатмаларини ҳам ўзида батафсил жамлайди. Униси ҳам, буниси ҳам сўзлар орқали тасвирланадики, паралингвистик код воситаларини лингвистик код воситалари билан беришни ёки бир семиотик тизимнинг бошқасига ўтувчанлигини - уланишини шартлантиради. Китобхоннинг персонаж ички руҳий фаолиятига гувоҳ бўлишига имкон яратадиган айrim стилистик усууллар ҳам бадий матннинг муҳим қиррасини ташкил этади. Бу жараён тасвири икки йўл билан яъни муаллиф “аралашувисиз” кечадиган ички монолог ва муаллиф ҳамда персонаж овозларининг ўзиники бўлмаган кўчирма гапда ҳамда билвосита муаллиф нутқи чатишуви орқали амалга оширилиши мумкин.

XIX асрнинг охирги чорагида фольклор ва ёзма адабиётни ўрганишда психологик мактаб илмий йўналиши юзага келди. Бу йўналишнинг асосчиси немис психологи, файласуфи ва фольклорчи Вильгельм Вундт (1832-1920)дир. Ижод жараёнида ижодкорнинг психологик ҳолати ҳақидаги таълимот бу йўналишнинг асосини ташкил этади. Вундт биринчилар қаторида мифларнинг юзага келиши, поэтик образларнинг яратилиш жараёнини текширади. Вундт ижодий жараёнда туш кўриш ва галлюцинацияларга катта ўрин беради. Унинг назариясини бир қатор ижодкорлар ўз асарларини яратишида қўллайдилар. Вундт назарияси психологиядаги фрейдизм йўналишининг асосчиси Фрейдга катта таъсир кўрсатади. Унинг фикрича, атрофни ўраб олган муҳитни инсон онги тартибга солади. Бадий ижод ижодкор руҳий ҳолатининг маҳсулни ҳисобланади ва шу билан бирга, ижод жараёни инсон руҳий оламини бойитади, чуқурлаштиради. Вундт назариясининг айrim жиҳатлари бошқа ижодкорларнинг айrim назариялари бадий ижод масаласи субъектив қарашлари, тил ва поэзиядаги рамзийлик – образлиликнинг аҳамиятини ортиқча баҳолаш жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетади.

Хуллас, психологик мактаб вакиллари мавжуд мифлар турли халқлар поэзиясида ва диний қарашларида кишиларнинг уйқу, туш ёки галлюцинация



каби турли руҳий ҳолатлари пайтида юзага келган деб ҳисоблайдилар.¹⁴ Бадиий адабиётда ички нутқнинг уч хил кўриниши мавжуд бўлиб, булар ички монолог, ички диолог ҳамда ички луқма (реплика)дир. Булар барчаси бир бўлиб ички нутқ воситаси сифатида шахс ички алоқаларининг узлуксиз жараёнини ташкил қиласи.¹⁵ Ички нутқ ҳамда унинг кўринишлари ўз навбатида бадиий асар психологизмини кучайтиришга хизмат қиласи. Шунингдек, асар унинг қаҳрамонларининг руҳиятини очиб беришда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган учала шаклнинг ҳар бири ўзига хос таркибий ва семантик хусусиятларга эга бўлиб, улар шахс руҳий оламида бажарадиган вазифаларида намоён бўлади. Ички нутқнинг энг содда кўриниши бўлмиш – ички реплика – алоҳида, атрофлича қисқа, нутққа алоқадор бўлмаган жараёнларда намоён бўлувчи ўзаро боғлиқ бўлмаган сўзлар жамланмаси ёки ташки нутқни қабул қилувчи шахснинг ички комментарий (изоҳ)и сифатида намоён бўлади.¹⁶ Қисқа қилиб айтганда, маълумот қабул қилувчи вазият ва ҳолатга нисбатан шахснинг эмоционал баҳо бериши ички репликани тақозо қиласи. Ўз навбатида баҳолаш обьекти эса бутун бир вазиятнинг ўзи ёки унинг айнан шахс руҳиятига жуда қаттиқ таъсир қилган қисми бўлиши мумкин. Ички реплика орқали муаллиф персонажнинг айнан ўша лаҳзадаги руҳий ҳолат яъни таажҷуб, муҳаббат ёки нафрат, хурсандчилик ёки қайғусини очиб беради.

Психологик бадиий тасвир – ички нутқнинг яна бир тури – ички диалог бўлиб, диалог тарзида шакллантирилган мулоҳазалар кетма-кетлигини ташкил этади. Ички диалог хаёлан икки ва ундан ортиқ шахслар сухбати тарзида яъни бир персонажнинг айни дамда икки (баъзан ундан ҳам ортиқ) образ сифатида тилга киришидир. Иккинчи диалог ўткир психологик ҳолат бўлиб, унда шахснинг икки паллага ажralиши – шахсият иккилануви содир бўлади. Ички нутқнинг учинчи кўриниши ички монолог бўлиб, “персонажнинг моддийлашмаган, ўзига қаратилган ва ичидагина кечувчи нутқи; бадиий психологизмнинг бевосита шакли. Шартли равищда инсон онгида кечаётган ўйлов (хис этиш) жараёни сифатида қабул қилинади”¹⁷. Ички монолог ички нутқнинг нисбатан мураккаб шакли бўлиб, у ўқувчига икки хил усулда тақдим этилиши мумкин – кўчма ички монолог ҳамда тўғридан-тўғри ички монолог. Кўчма ички монологда персонажнинг ичидаги кечаётган ўй-фиқрлари муаллиф

¹⁴ Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.; “Ўқитувчи” 1983. Б.-262.

¹⁵ Синельникова Л. Н. Жизнь текста, или Текст жизни // - Луганск: Знание, - 2005. – Б. 54.

¹⁶ Ўша асар, Б. 62.

¹⁷ Курунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 11.



нутки орқали баён қилинса, тўғридан-тўғри ички нутқда персонажнинг ички монологи тўлиқлигича ўз тилидан айтилади ва жонли нутқда мавжуд конструкция сақлаб қолинади. Оғзаки қисқартмалар, фонетик копрессиялар, ҳис-туйгуни янада таъсирли тасвирловчи кўплаб, сўроқ, ундов ва тиниш белгилари (пауза воситаси), қисқа жумлалар, такрор сўзлар, тугалланмаган ва мантиқсиз иборалар.

Ички монолог ўз навбатида ўқувчига қандай маълумотни етказиб бераётганига қараб монолог-муҳокама, монолог-хотира, монолог-мулоҳаза каби турларга ажралади. Монолог-хотиралар орқали персонаж ҳақидаги автобиографик ҳамда ижтимоий-психологик маълумотларни олсак, монолог-муҳокама ва монолог-мулоҳаза орқали унинг ташки оламга бўлган реакция – муносабатини англашимиз мумкин бўлади. Кўп холларда адабиётшунослар томонидан ички монолог ва онг оқими тушунчалари бир қаторга қўйиб келинади. Масалан, адабиётшунос олим Д.Қуронов онг оқимини ички монолог имкониятларидан максимал даражада фойдаланиб, руҳий жараёнларни имкон қадар ҳақиқатга монанд тасвирлаш йўлидага самарали изланишлар натижаси ҳамда ички монологнинг шартлилик асосида мантиқ қолипларига солинмаган кўриниши дея эътироф этади. Реалистик адабиёт учун эса синоним терминлар сифатида қўллади.¹⁸

Бадиийликни таъминловчи мезонлардан бири – қаҳрамонлар психологик ҳолатининг тасвирланишидир. Бадиий асарни психологизм нұқтаи назаридан ўрганиш адабиётшуносликнинг ҳам, психология фанининг ҳам назарий жиҳатдан такомиллашувига ёрдам беради. Асар қаҳрамонлари жонли образини яратса билиш бадиийликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Уларни психологик таҳлил қилиш орқали ижодкор ва асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Психолог олим М.Г. Ярошевский “...Санъат намуналарида инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши ва бошқа руҳий жараёнлар, айни замонда асар қаҳрамонларининг эмас, балки асарнинг яратувчиси, муаллифнинг ҳам характер хусусиятлари, хулқ-атвори, тафаккури, майл ва интилишларини акс эттиради”,¹⁹ – деб ёзади.

Ҳақиқатан, ёзувчи асар қаҳрамонларини яратишда уларнинг ҳаракати, ҳолати ва интилишларини аввал тасаввур қиласи, сўнг қалб призмасидан ўтказиб, акс эттиради. Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов ҳам илм-фан инсон бахти учун хизмат қилиши керак, деган ғояни илгари сурадилар. Китобхон

¹⁸ Д.Қуронов ва б. Адабиётшунослик лугати. Т.: Академнашр, 2013, 209-б

¹⁹ Ярошевский М. (1985). Психология творчество и творчество в психологии. (с. 14). Вопросы психологии.



диққат-эътиборини хаётда рўй бериши мумкин бўлган ҳамда жамиятдаги ғайриоддий воқеаларга, улар билан бирга инсон табиатидаги муқаддас ва юксак туйғуларга, пайти келиб, атроф-борлиқни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборишга қодир оддий кундалик ишларга қаратади.

Adabiyotlar ro‘yhati:

1. Isxoqov Yo. Navoiy poetikasi. - T.: Fan. 1983; yana: “Xamsa”da badiiy psixologizm tiplari // Alisher Navoiy “Xamsa”si (tadqiqotlar). - T.: Fan. Mashrabova G. Navoiyning “Layli va Majnun” dostonida ruhiyat tasviri // Navoiyga armug‘on. - T.: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2003.
2. Zolotuxina, O. B. Psixologizm v literature : posobie po spetskursu dlya stud. spets. - Grodno : GrGU, 2009.
3. Quronov D. va b. Adabiyotshunoslik lug’ati. T.: Akademnashr, 2013.
4. Pospelov G. N. Vvedenie v literaturovedenie: ucheb. dlya filol. spets. un-tov; – M.: Vysshaya shkola, 1988.
5. Yesin A.B. Printsipy i priemy analiza literaturnogo proizvedeniya: uchebnoe posobie. – M: Flinta, 2003. – S. 86.
6. Yesin A. B. Psixologizm // Russkaya slovesnost. – 1966. - №1. – S. 73.
7. Iezuitov A. N. Problemy psixologizma v estetike i literature. // Problemy psixologizma v sovetskoy literature. – L.: 1970. – S.
8. Ginzburg L.Ya. O psixologicheskoy proze. Izd. 2-e. L., «Xudoj. lit.», 1976.
9. Straxov I.V. Psixologicheskiy analiz v literaturnom tvorchestve: posobie dlya stud. /V 5 ch./ – Saratov: Izd. Saratovskogo un-ta, 1973. Ch.1.\
10. Yesin A.B. Psixologizm russkoy klassicheskoy literaturi: Kn. dlya uchitelya. – M.: Prosveshenie, 1988.
11. Psixologicheskiy analiz v literaturnom proizvedenii: Metod, materialy dlya stud.: V 2 ch. – Minsk: Minsk, gos. ped. in-t im. A.M.Gor’kogo, 1991.
12. Hotamov N., Sarimsoqov B. Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o‘zbekcha izohli lug’ati. T.; “O‘qituvchi” 1983.
13. Sinel’nikova L. N. Jizn’ teksta, ili Tekst jizni // - Lugansk: Znanie, - 2005.
14. Quronov va b. Adabiyotshunoslik lug’ati. T.: Akademnashr, 2013,
15. Quronov D., Mamajonov Z., Sheraleeva M. Adabiyotshunoslik lug’ati. – Toshkent: Akademnashr, 2010.
16. Yaroshevskiy M. (1985). Psixologiya tvorchestvo i tvorchestvo v psixologii. (s. 14). Voprosi psixologii
17. Rajabov Akham Uktamovich, and Jalilova Lola Jalilovna. “THE ROLE OF PSYCHOLOGISM IN THE DEVELOPMENT OF A LITERARY GENRE”. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630* vol. 11, Mar. 2022, pp. 37-42, <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/401>.
18. Rajabov Akham Uktamovich, & Jalilova Lola Jalilovna. (2022). THE DEPICTION OF THE TEENAGERS’ SOCIAL LIFE IN “HARRY POTTER”. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE &*



INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 11(04), 108–114.
<https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/402>

19. Jalilova, Lola J., and Rajabov A. Uktamovich. "Peculiar Features of Comedy Genre in Uzbek Literature (on the Example of Utkir Khashimov`S Works)." *International Journal on Integrated Education*, vol. 4, no. 11, 2021, pp. 30-33, doi:10.31149/ijie.v4i11.2360.
20. Rajabov, A. O. "Jalilova LJ Psikhologizmi v detskoy literature." *Modern Scientific Research Journal. London, United Kingdom* 10 (2019): 360-365.
21. Jalilova, Lola Jalilovna, and Rajabov Akhtam Uktamovich. "The Character of the Narrative and the Image of the Narrator in the Short Stories of Robert Benchley and James Thurber." (2020).
22. Jalilova Senior Teacher, Lola. "NATIONAL SPECIFICITY OF AMERICAN SATIRICAL SHORT STORIES." *Philology Matters* 2020.2 (2020): 40-50.
23. Жалилова, Лола Жалиловна. "Сатира А. Бирса в свете фольклорных и литературных традиций." На пересечении языков и культур. Актуальные вопросы гуманитарного знания 1 (2016): 295-299.
24. Rajabov, A., & Jalilova, L. J. (2021). Peculiarities of modern uzbek childrens literature (on the example of Khudoiberdi Tokhtaboyevs works). *Scientific reports of Bukhara State University*, 5(2), 169-177.
25. Jalilova, Lola J., and Rajabov A. Uktamovich. "Peculiar Features of Comedy Genre in Uzbek Literature (on the Example of Utkir Khashimov`S Works)." *International Journal on Integrated Education*, vol. 4, no. 11, 2021, pp. 30-33, doi:10.31149/ijie.v4i11.2360.
26. Rajabov, A. O. "Jalilova LJ Psikhologizmi v detskoy literature." *Modern Scientific Research Journal. London, United Kingdom* 10 (2019): 360-365.

